

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХУДАЙҚУЛОВ ШАВКАТБЕК СОЙИБЖАНОВИЧ

**АРРАЛИ ЖИН ЦИЛИНДРИ ҚАЙИШҚОҚ ПОДШИПНИК ТАЯНЧЛИ
КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника
тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническом наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Худайкулов Шавкатбек Сойибжонович

Жин аррали цилиндри қайишқоқ таянчли подшипник конструкциясини
ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш..... 3

Худайкулов Шавкатбек Сойибжонович

Разработка конструкции и обоснование параметров пильного цилиндра с
упругой подшипниковой опорой джина..... 21

Khudaykulov Shavkatbek

Development of the design and justification of the parameters of the saw
cylinder with elastic bearing support gin.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХУДАЙҚУЛОВ ШАВКАТБЕК СОЙИБЖАНОВИЧ

**АРРАЛИ ЖИН ЦИЛИНДРИ ҚАЙИШҚОҚ ПОДШИПНИК ТАЯНЧЛИ
КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника
тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т461 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институти ва Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аҳмедходжаев Ҳамит Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Салимов Алишер Машраббоевич
техника фанлари номизоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 29 июнь соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 228-76-68, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (375-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 228-76-68.)

Диссертация автореферати 2020 йил 16 июнь куни тарқатилди.
(2020 йил 16 июнь 14-рақамли реестр баённомаси).

Р.Мурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

О.Ш. Саримсаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор

Қ.М. Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий хом-ашёиси бўлиб, ундан тайёрланаётган маҳсулотларга жаҳон бозорида бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Халқаро консультатив кўмита (ICAC) маълумотларига қараганда «2017/18 йил мавсумда пахтанинг нархи мавсум охирига қадар ўртача бир фунт учун 84,63 центдан юқори даражада сақланиб қолди»¹. Дунё бўйича пахта майдони 32,4 миллион гектарни ташкил этади, тола ишлаб чиқариш эса 25,68 миллион тоннани ташкил этади, шу билан бирга жаҳон миқёсида пахта толасини истемоли 26,7 миллион тоннагача кўтарилиши кутилмоқда. Пахта толасини импорт қилиш бўйича Бангладеш, Хитой, Туркия, Индонезия каби давлатлар етакчилик қилишмоқда. Бу йўналишда пахта толаси ва уни сифатига бўлган талабларни янада ошириш, пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш имкониятини берувчи янги ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, чет элда пахта толасидан тўқимачилик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш ва уларни илмий асосларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан пахта тозалаш корхоналарининг асосий машинаси ҳисобланган аррали жиннинг ишлаш самарадорлигини, иш унумдорлигини ошириш, ишчи органларини ресурстежамкор конструкциялари билан жиҳозлаш, уларнинг мустаҳкамлигини ошириш, машинанинг эксплуатация ишончилигини такомиллаштириш, таъминлаш жараёни, математик моделларини ишлаб чиқиш ва оптимизация усуллари ёрдамида олинаётган пахта толасининг табиий сифатини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга янги конструкциядаги ресурстежамкор жин машинасининг қайишқоқ таянчи бўлган аррали цилиндр конструкциясини ишлаб чиқиш, параметрларини асослаш, тола сифатини сақлаш, титраш ва шовқин даражасини ҳамда энергия сарфини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда пахта саноатининг ривожлантириш, пахтани қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш, пахта хом-ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш рентабеллигини ошириш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифалар билан боғлиқ равишда, ресурсларни тежовчи, толанинг пишиқлик хусусиятларини оширувчи, тебраниш ва шовқинни камайтирувчи,

¹ Cotton: Review of the World Situation' Articles Address Governance and Cotton Price Trends.– NY. 26 september. 2018. <http://www.ICAC.org>

² Ўзбекистон Республикас Президентининг 2018 йил 14 июл “Илмий ва илмий-техник фаолиятни молиялаштириш самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3855-сонли Қарори. <http://www.lex.uz/search/nathactnum> 3855.

унумдорликни оширувчи ва толанинг табиий хусусиятларини максимал даражада сақлаб қолишга имкон берувчи жин машинасининг қайишқоқ подшипникли таянчга эга бўлган аррали цилиндрининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш масаласи бугунги кунда саноат олдидаги муҳим масалалар қаторига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли қарори билан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аррали жиннинг ишчи органларини такомиллаштириш, ресурсларни тежаш, машина иш унумдорлигини, ишчи органларини мустаҳкамлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари чет эллик олимлар E. Whitney, S.Z.Hall, T. Elliot, S.E.Hughs, R.N.Rakoff, A.V.Stanley, R.G.Hardin, P.A.Funk ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Мамлакатимизнинг қатор олимлари, жумладан Р.Г.Махкамов, И.Т.Максудов, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Б.М.Марданов, Н.З.Камолов, А.П.Парпиев, Х.Т.Ахмедходжаев, А.Джураев, Р.Муродов, Р.Сулаймонов, О.Саримсаков, К.Собиров, И.Собиров, М.Абдувоҳидов, Ш.П.Алимухамедов, Д.Муҳаммадиев, С.З.Юнусов ва бошқалар аррали жин машинасининг иш унумини ошириш, уларни ресурстежамкор ишчи органлар билан жиҳозлаш ва жин машинаси сарфлаётган энергия миқдорини камайтириш бўйича комплекс илмий изланишлар олиб боришган.

Олиб борилган тадқиқотлар асосан, аррали жинлаш технологияси, аррали дисклар диаметри, колосниклар ўлчамлари, ишчи камера ва чигитни ажратиш, толани чиқариш, технологик тирқиш ўлчамларини асослаш, пахтани таъминлашни меъёрлашга бағишланган, бўлиб, жин машинасида қайишқоқ элементи бўлган таянчли аррали цилиндр конструкциясини ишлаб чиқиш, юритиш механизмининг такомиллаштириш, параметрларини асослаш бўйича чуқур назарий ва тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институти илмий ишлари режасининг И-2016-2-20 «Пахтани қайта ишлаш машиналарида тежамкор қайишқоқ элементи бўлган таянчли подшипникли аррали цилиндр конструкциясини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» (2016-2017); мавзусидаги

инновацион лойиҳа ЁОТ-Атех-2018-56 «Қайишқоқ барабан, кўр қиррали пахта тозалаш қозиклари параметрларини лойиҳалаш ва асослаш» мавзусидаги амалий; ОТ-Ф2-61 «Тўқимачилик ва енгил саноати асосий технологик машиналарининг янги таркибли қайишқоқ элементи бўлган кинематик жуфтли ричагли механизмларини ҳисоблашнинг илмий асосларини яратиш» (2018-2020) ЁА-3-05, мавзусидаги фундаментал лойиҳа «Аррали жиннинг самарали энергия тежамкор конструкциясини яратиш» (2012-2013); А-3-34 «Янгича жинлаш усулида ишловчи ишчи камера билан жихозланган экспортпоб аррали жин» (2015-2017) мавзусидаги ёшлар амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жин машинаси аррали цилиндри қайишқоқ элементли подшипник таянчининг ресурстежамкор, титрашга барқарор конструкциясини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аррали цилиндр қайишқоқ элементли подшипникли таянч конструкциясини ишлаб чиқиш;

аррали цилиндр айланиш сони ва қайишқоқ таянчининг бикрлигини инобатга олиб, аррали цилиндр тебраниш амплитудаси ва частотасини ҳисоблаш;

аррали цилиндр вертикал йўналишдаги силжиши ва аррали цилиндрининг тезлигини аналитик усулда аниқлаш;

подшипникли таянч қайишқоқ элементни инобатга олиб аррали цилиндр валини айланма ва эгилиш тебранишлари қонуниятларини аниқлаш;

жин машинаси аррали цилиндр юритиш механизмини ўз ичига олган машина агрегатининг динамик ва математик моделларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларнинг масалани сонли ечими асосида аррали цилиндр ҳаракат қонунини аниқлаш ва параметрларининг тавсия қийматларини асослаш;

тензометрик усулда аррали цилиндр айланма ва эгилиш тебранишларини резинали таянч бикрлигини инобатга олиб аниқлаш;

ишлаб чиқилган қайишқоқ подшипникли таянчли аррали цилиндр конструкцияси самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жин машинасининг қайишқоқ элементли подшипникли таянчи бўлган аррали цилиндри олинган.

Тадқиқот предметини қайишқоқ элементли подшипник таянчи бўлган аррали цилиндрининг конструктив ва ҳисоб схемалари, математик моделлар, уларни сонли ечими натижалари, олинган график боғланишлар ва жин машинаси қайишқоқ подшипник таянчли аррали цилиндри параметрларининг тавсия қийматлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, тебранишлар назарияси, математик статистика, эхтимоллар назарияси, олий математика ва тажрибаларни режалаш ва тензометрик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қайишқоқ материалларнинг деформацияланиш ва вибрацияни сўндириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жиннинг аррали цилиндри қайишқоқ элементли подшипник таянчига эга бўлган самарали, виброизоляция қилувчи конструкцияси ишлаб чиқилган;

аррали цилиндрнинг тебраниш амплитудаси, частотаси ва динамик коэффициентини ҳисоблаш формулалари таҳлили натижаларидан келиб чиқиб, аррали цилиндр тебраниш амплитудасининг айланиш частотаси ва қайишқоқ подшипникли таянч бикрлигига таъсири аниқланган;

аррали цилиндр вертикал силжиши ва тезлигининг ўзгариш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда аррали цилиндр тебраниш амплитудасига жинланаётган пахта массасининг таъсири аниқланган;

қайишқоқ таянчли подшипник динамик хусусиятларини инобатга олиб, аррали цилиндрни эгилишга ҳисоблашнинг аналитик усули ишлаб чиқилган;

асинхрон электр юритгич механик характеристикаси ва пахтанинг технологик қаршилигини инобатга олиб, аррали цилиндр юритиш механизми бўлган машина агрегатининг математик моделлари ишлаб чиқилган ва аррали цилиндр валидаги бурчак тезлик ва буровчи моментнинг пахта технологик қаршилигига боғлиқлиги аниқланган;

аррали цилиндрнинг айланма ва эгилиш тебраниш қонуниятлари резинали таянч бикрлигини ҳисобга олиб, аррали цилиндр валидаги буровчи момент ўзгаришининг жин иш унумига ва подшипникли таянч қайишқоқ элементи айланма бикрлик коэффициентига боғлиқлиги асослаб берилган;

тўлиқ омилли тажрибалар натижалари асосида қайишқоқ подшипникли таянчи бўлган аррали цилиндр параметрларининг оптимал қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жин машинаси қайишқоқ элементли подшипник таянчи бўлган аррали цилиндр конструкцияси ишлаб чиқилган;

аррали цилиндр айланиш частотаси, подшипникли таянчи қайишқоқ элементи учун резина бикрлиги ва маркаси (10-220) аниқланган;

тўлиқ омилли тажрибавий тадқиқотлар асосида қайишқоқ элементли таянч подшипникли аррали цилиндрнинг тола чиқишини оширадиган ва толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини камайтирувчи параметрлари ва ишлаш режимлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Аррали цилиндр ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича вертикал тебранишларни камайтирадиган, тола чиқишини оширадиган ва толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини камайтирадиган конструкция ва параметрлари ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқот натижаларининг бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишдаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра, уларнинг адекватлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қайишқоқ элементли подшипникли таянчи бўлган аррали цилиндр айланма ва эгилиш тебраниш қонуниятлари аналитик ифодалари, аррали цилиндр вертикал силжиши ва тезлигининг ўзгариш қонуниятларини қайишқоқ элемент бикрлигига, айланиш частотаси, инерция

моменти ва пахтанинг жинлашдаги технологик қаршилигига боғлиқлик қонунятлари билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қайишқоқ элементли подшипникли таянчи бўлган аррали цилиндрнинг титрашга барқарор, ресурстежамкор конструкцияси яратилгани, ҳамда аррали цилиндр тебранишларини камайтирадиган, тола чиқишини оширадиган ва толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини камайтирадиган параметрларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Аррали жин цилиндрлари учун қайишқоқ элементли подшипник таянчи ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

аррали жин цилиндрлари учун қайишқоқ элементли таянч подшипник конструкциясига Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патент олинган («Айланиш валлари тебранишларини йўқотиш учун таянч», №FAP 01340-2018й). Натижада аррали вал эгилиши ва тебранишлари пасайиши ҳисобига аррали цилиндр вали, подшипниклар ҳамда корпус деталларининг ишлаш муддати 4,0÷4,5% мартага ошган ва шовқин сезиларли даражада пасайган;

қайишқоқ элементли таянчга эга бўлган аррали жин цилиндри «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги «Тўрақўрғон пахта тозалаш» корхонасида ўрнатилган («Ўзпахтасаноат» ОАЖнинг 2019 йил 18 октябрдаги 03-18/6057-сонли маълумотномаси). Натижада толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши миқдори ўртача 0,5% га, чигитнинг механик шикастланиш даражаси 0,2% га камайган, тола чиқиши 0,4% га ошган.

аррали цилиндрга мўлжалланган қайишқоқ элементли подшипник таянч конструкцияси «Мингбулок пахта тозалаш» корхонасида жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2019 йил 18 октябрдаги 03-18/6057-сонли маълумотлари). Натижада толадаги ифлосликлар ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши миқдори ўртача 0,3% га пасайган, чигитнинг механик шикастланиш даражаси 0,4% га камайган, тола чиқиши 0,2% га ортган. Тавсия қилинган жин аррали цилиндри қайишқоқ элементли таянчини қўллаш натижасидаги йиллик иқтисодий самарадорлик 77,1 млн. сўмга тенг.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 9 та халқаро ва 7 та республика илмий анжуманларида, 3 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини нашр қилиниши. Диссертация материаллари асосида 29 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан нашрга тавсия этилган журналларда 12 та илмий мақола, шу жумладан 7 та хорижий журналларда мақола чоп этилган, 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, 4 боб, хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий хажми 116 бетни ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда ишнинг долзарблиги асосланган, тадқиқот объекти ва предмети, республика фан ва техника технологиясини ривожлантиришнинг устивор йуналиши тавсияланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини белгиланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, иш натижалари буйича амалиётга тадбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.


Диссертациянинг «**Аррали жинлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида аррали жин конструкцияларини такомиллаштириш ва параметрларини ҳисоблаш усуллари, шунингдек пахтани жинлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шарҳи кўриб чиқилган. Чет элда ва маҳаллий ишлаб чиқаришда аррали жин машиналари конструктив хусусиятлари таҳлил қилинган. 4ДП-130, 5ДП-130, «Continental eagle» ва МУ-171 аррали жинларнинг техник хусусиятларининг таҳлили берилган.

Аррали цилиндрларнинг конструктив элементларини ўрганиш асосида қайишқоқ таянчли подшипникли аррали цилиндр конструкцион схемалари ишлаб чиқилди (1 расм).

а). Айланувчи валлар тебранишларини сўндирувчи таянч



б). Айланувчи валлар тебранишларини ютиш учун икки қаторли қайишқоқ таянч схемаси



1-расм: Аррали цилиндр қайишқоқ элементли подшипниклар таянчлари схемалари.

Технологик жараён давомида айланадиган валга қуйидаги кучлар таъсир қилади: юритувчи куч моменти, оғирлик кучи, мувозанатланмаган массаларнинг инерция кучи, ишқаланиш кучлари, технологик босимлар ва бошқалар. Натижавий кучни ташкил этувчи кучлар радиал ва ўқ бўйича йўналтирилади. Ушбу кучлар подшипник 4 ва қайишқоқ втулкалар 2 ва 3 орқали корпус 1 га таъсир қилади.

Бунда 2 ва 3 қайишқоқ втулкаларнинг мавжудлиги ушбу кучларнинг корпус 1 га таъсирини сезиларли даражада камайтиради. Бундан ташқари, кучларнинг радиал ташкил этувчиси туфайли вал 5нинг эгилиши сезиларли даражада камаяди. 2 ва 3- қайишқоқ втулкаларнинг d ва D асосларининг диаметрлари кесилган конус шаклида бажарилиши, ўқ бўйича таъсир кучларини сундиришга имкон беради. Валларнинг қайишқоқ элементлари бўлган таянчлардан фойдаланиш, айланадиган валларнинг тебраниши туфайли тебранишларни тегишли машиналар ва механизмларнинг корпусларига таъсирини камайтиради. Шунинг учун ушбу машиналар ва механизмларнинг тебраниш ва шовқин чиқариш хусусиятлари сезиларли даражада камаяди. Ички подшипник 4 нинг қайишқоқ втулка 2 қалинлиги h_e , ташқи подшипник 4 нинг қайишқоқ втулкаси 3 қалинлигидан ($h_e > h_n$) каттароқдир:

$$h_e = \frac{D_{en} - D_{ee}}{2}; \quad h_n = \frac{D_{nn} - D_{ne}}{2}; \quad (1)$$

бу ерда D_{en} , D_{ee} , D_{nn} , D_{ne} - ички 2 ва ташқи 3 қайишқоқ втулкаларнинг ташқи ва ички диаметрлари.

Диссертациянинг "**Жиннинг подшипникларини қайишқоқ таянчли аррали цилиндри параметрларини ҳисоблашнинг назарий асослари**", деб номланган иккинчи бобида таянчнинг бикрлиги ва тасодифий технологик кучнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, аррали цилиндрининг тебранишлар амплитудасини аниқлаш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари берилган. Цилиндрининг арра тишларига илашган пахта массасини ҳисобга олган ҳолда вертикал аррали цилиндрининг тебраниш амплитудаси ушбу ифодада келтирилган:

$$A = \frac{(m_u + m_{xe})}{2(c_1 + kc_2) \left| 1 - \frac{\omega_u^2}{\omega_0^2} \right|}, \quad c_0 = \sqrt{\frac{c_1 + kc_2}{m_u + m_{xe}}} \quad (2)$$

k -аррали цилиндр валининг подшипниги конуссимон қайишқоқ таянчи бикрлигининг ночизиқлик коэффиценти, c_1 -конуссимон втулка бикрлик коэффицентининг чизиқли компоненти, kc_2 – втулка ночизиқли компоненти.

Системанинг динамиклик коэффиценти қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$K_{дин} = \frac{R_{дин}}{R_{ст}} = \frac{c_1 + kc_2}{|(c_1 + kc_2) - \omega_u^2(m_u + m_{xe})|} \quad (3)$$

Масаланинг сонли ечимига асосланиб, аррали цилиндр бурчак тезлигининг ошиши унинг тебраниш амплитудасининг ночизиқли қонуниятда ўсишига олиб келиши аниқланди. Шундай қилиб, ω_u 68 c^{-1} дан 80,2 c^{-1} гача ўзгарганда, тебраниш амплитудаси $0,205 \cdot 10^{-3}$ м дан $0,61 \cdot 10^{-3}$ м га кўтарилади. Бунда тишларга илашган пахта толаси масаси 0,35 кг гача оширилса, агарда бу масса 0,75 кг бўлса, тебраниш амплитудаси $0,42 \cdot 10^{-3}$ м дан $1,409 \cdot 10^{-3}$ м гача кўтарилади.


Натижаларни ҳисобга олганда, аррали цилиндр валида қайишқоқ элементи бўлган подшипникли таянчни қўллашда максимал эгилиш $(0,3 \div 0,38) \cdot 10^{-3}$ м бўлади. Ушбу қийматларни таъминлаш учун тавсия этилган қийматлар қуйидагилардан иборат: $m_{xe} = (0,35 \div 0,4) кг$; $\omega_u = (7,4 \div 7,8) \cdot 10 c^{-1}$.

ω_y камайиши ва коэффициент $k=0,2$ ва $\omega_y = 70 \text{ c}^{-1}$ га бўлса, аррали цилиндр тебраниш амплитудаси $0,11 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ гача пасаяди ва цилиндрнинг тебранишини $(0,3 \div 0,38) \cdot 10^{-3} \text{ м}$ ни оралиғида таъминлаш учун конус шаклидаги қайишқоқ подшипник таянчини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар тавсия этилади: $c_n = (5,4 \div 6,0) \cdot 10^4 \frac{\text{Н}}{\text{м}}$, $\omega_y = (7,4 \div 7,8) \cdot 10 \text{ c}^{-1}$; $k = 0,2 \div 0,4$.

Ишлаш жараёнида, қайишқоқ таянчнинг деформацияси туфайли, аррали цилиндрнинг эгилиши ҳам минималлашади. Аммо, шу билан бирга, аррали цилиндрда кичик вертикал тебранишлар мавжуд бўлади. Жинланаётган пахтанинг технологик кучини ҳисобга олган ҳолда, бу тебранишлар тасодифий бўлади. Цилиндр тебранишлари қуйидаги дифференциал тенгламалар билан тавсифланади:

$$m_y \frac{d^2 z}{dt^2} + b_n \frac{dz}{dt} + (c_1 + kc_2)z = F_0 + \delta F_0 \quad (4)$$


бу ерда, $F_0, \delta F_0$ – пахта толаси массасидан арра цилиндри мажбурий тебраниш қилувчи кучнинг ўртача қиймати ва тасодифий ташкил этувчи куч.



2-расм. Арра цилиндрининг қайишқоқ таянчли подшипникли таянч бикрлигининг хар хил қийматларида аррали цилиндр вертикал тебранишларининг ўзгарувчанлик қонунияти

c_1 – бикрлик коэффициентининг чизиқли ташкил этувчиси, kc_2 – бикрлик коэффициентининг ноизиқли ташкил этувчиси, m_c – цилиндрининг массаси, b_n – цилиндрининг қайишқоқ таянчли подшипникни диссипация коэффициенти.

(4) нинг сонли ечимни асосида, 2-расмда келтирилган аррали цилиндрининг подшипникни қайишқоқ таянчининг бикрлиги турли қийматлари учун вертикал тебранишлари ўзгариш қонунларини олдик:



3-расм. Аррали цилиндр силжишининг тебраниш амплитудаси ўзгаришининг пахта хом ашёси таъсир кучига боғлиқлик графиклари

z ва \dot{z} ўзгариш қонуниятини таҳлили қилиш (2-расм) шуни кўрсатдики, ташқи куч қанча катта бўлса, масса ортиши туфайли аррали цилиндр ўқининг статик силжиши шунчалик кўп бўлади. Ушбу куч $1,2 \text{ Н} \pm (0,05 \div 0,12) \text{ Н}$ бўлганда силжиш $1,2 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ га етади ва $1,8 \text{ Н} \pm (0,1 \div 0,18) \text{ Н}$ да эгилиши $1,5 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ га етади.

Олинган 3-расмдаги боғланиш графикларидан шуни кўриш мумкинки, юкланиш $0,25 \text{ Н}$ дан $1,8 \text{ Н}$ гача ортганда ва аррали цилиндр массаси $5,0 \cdot 10^2 \text{ кг}$ бўлганда

аррали цилиндр тебраниш амплитудаси $0,3 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ дан $0,252 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ гача ортади. Агарда аррали цилиндр массаси $3,75 \cdot 10^2 \text{ кг}$ гача камайса, аррали цилиндр силжиш амплитудаси $0,4 \cdot 10^{-4} \text{ м}$ дан $0,71 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ гача етади,

Шунинг учун аррали цилиндр тебраниш амплитудаси $0,3 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ дан ошмаслигини таъминлаш учун $m_{\text{ц}} \leq (3,75 \div 4,25) \cdot 10^2 \text{ кг}$ ва $F_0 \leq (1,0 \div 1,2) \text{ Н}$ қилиб олиш мақсадга мувофиқдир.

1- $m_{\text{ц}}=5,0 \cdot 10^2 \text{ кг}$ бўлганда; 2- $m_{\text{ц}}=4,75 \cdot 10^2 \text{ кг}$; 3- $m_{\text{ц}}=4,5 \cdot 10^2 \text{ кг}$; $m_{\text{ц}}=4,25 \cdot 10^2 \text{ кг}$; 5- $m_{\text{ц}}=4,0 \cdot 10^2 \text{ кг}$; 6- $m_{\text{ц}}=3,75 \cdot 10^2 \text{ кг}$ бўлганда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, подшипникнинг қайишқоқ втулкаси бикрлик коэффицентининг ошиши нафақат z ва \dot{z} тебраниш амплитудасининг пасайишига, балки цилиндрнинг тебраниш частотасининг ошишига олиб келади. Куч $1,8 \text{ Н}$ га кўтарилганда, Az қиймати нозизиқли қонуният бўйича $0,58 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ дан $0,22 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ гача камаяди. Шунга кўра, аррали цилиндр тезлигининг тебраниш амплитудаси ҳам нозизиқли ҳолда пасаяди ва аррали цилиндр подшипниги қайишқоқ элементли таянчининг бикрлик коэффиценти ортади (3-расмга қаранг). Подшипник қайишқоқ таянчи бикрлик коэффицентининг тавсия этилган қийматлари $c_1 = (5,0 \div 5,5) \cdot 10^4 \text{ Н/м}$; $c_2 = (0,1 \div 0,12) \cdot 10^4 \text{ Н/м}$, бунда тебраниш амплитудаси $Az = (0,09 \div 0,14) \cdot 10^{-3} \text{ м}$, $A\dot{z} = (0,08 \div 0,11) \text{ м/с}$. оралиғида бўлиши таъминланади

Ишлаш жараёнда, цилиндр валининг эгилиши асосан цилиндр массасини катталигини, мавжуд ишчи камеранинг таъсир кучи, шунингдек, мувозанатланмаган массалар, шу жумладан арра тишлари томонидан илиб олинган толалар туфайли содир бўлади. Узунлиги l бўлган аррали цилиндрни йиғишда R радиусли дискларни сиқишда зарур куч талаб қилинади. Бундан ташқари, анъанавий усулдан фойдаланиб, аррали цилиндри валининг эгилишдаги бикрлигини кўйидаги ифодадан аниқланади:

$$C = (1 + h_g)(N + \lambda_q E_b F_b) R^2 \quad (5)$$

бу ерда, C -аррали цилиндр валининг эгилишдаги бикрлиги; h_g - дискларнинг қалинлиги; N -арралар орасидаги ишқаланиш таъсирининг

функцияси; λ_q -қайишқоқ деформация таъсирининг функцияси; $E_b F_b$ - қайишқоқлик модули ва кўндаланг кесим юзаси.

Юқоридаги методология ва ҳисоблаш натижалардан фойдаланиб тақидлаш лозимки, мавжуд конструкцияда арра цилиндр максимал эгилиши $(0,3 \div 0,5) \cdot 10^{-3}$ м бўлса, қайишқоқ таянчли подшипник ўрнатилган аррали цилиндрнинг эгилиши $(0,031 \div 0,053) \cdot 10^{-3}$ м бўлиши аниқланди, яъни эгилиш 10 маротабагача камайиши аниқланди.

Аррали цилиндр механизми бўлган машина агрегати динамикасини кўриб чиқишда пахтадан келаётган технологик қаршилик экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра ҳисобга олинди:

$$M_c = M_{n.u} \pm \delta(M_{n.u}) \quad (6)$$

бу ерда, $M_{n.u}$ – жинлаш жараёнидаги аррали цилиндр валидаги қаршилик моментининг ўртача қиймати; $\delta(M_{n.u})$ – жинлаш жараёнида қаршиликнинг ўзгариши ҳисобига $M_{n.u}$ моментнинг тасодифий ташкил этувчиси.

Иккинчи тартибли Лагранж тенгламасидан фойдаланиб, жин аррали цилиндр механизмини ўз ичига олган машина агрегати ҳаракатини ифодаловчи дифференциал тенгламаларни оламиз:

$$\frac{dM_{g\epsilon}}{dt} = 2M_k \omega_c - 2M_k p \frac{d\alpha_{g\epsilon}}{dt} - \omega_c S_k M_{gb}; J_n \frac{d^2 \dot{\alpha}_{n.u}}{dt^2} = M_{g\epsilon} - [M_{n.u} \pm \delta(M_{n.u})] \quad (7)$$

M_{gb} , M_k – юритгич валидаги момент ва унинг критик қиймати; $\frac{d\alpha_{g\epsilon}}{dt}$ – юритгич роторининг бурчак тезлиги; ω_c – тармоқнинг айланма частотаси; p – двигателнинг кутб жуфтларининг сони; S_k – силжишнинг критик қиймати, J_n – келтирилган инерция моменти.

Асинхрон юритгич параметрларининг ҳисоб қийматлари;



4A280M8У3 юритгич маркаси $P_{gb} = 75$ кВт, $n_{gb} = 730$ об/мин; $\omega_{gb} =$

$76,4$ с⁻¹, $f_c = 50$ Гц, $P = 4$; $\cos\phi = 0,85$; $\omega_k = 220$ В; $l = 2,0$; $M_n = 674,5$ нм; $M_k = 1349$ км, $S_n = 0,02$; $S_k = 0,075$; $J_n = 1,29$ кгм²

Олинган дифференциал тенглама (5) таҳлили шуни кўрсатдики, M_c нинг ортиши билан $\dot{\phi}_{n.u}$ ночизикли қонуниятда камаяди ва $M_{n.c}$ мос равишда ошади. Шундай қилиб, технологик қаршилик кучи моменти ўртача қиймати $2,8 \cdot 10^2$ Нм дан $7,92 \cdot 10^2$ га кўтарилиши билан, аррали цилиндр бурчак тезлигининг ўртача қиймати $0,739 \cdot 10^2$ с⁻¹ дан $0,631 \cdot 10^2$ с⁻¹ гача ортади. Бунда аррали цилиндрнинг инерция моменти $1,05$ кг·м² қилиб олинган.

Бундай ҳолда, $M_{n.u}$ – нинг ўртача қиймати $1,07 \cdot 10^2$ Нм дан $4,07 \cdot 10^2$ Нм га кўтарилади. Бунинг сабаби, аррали цилиндр инерция моментининг кичик қийматлари учун қаршилик кучининг $\dot{\phi}_{n.u}$ ўзгаришига таъсири сезиларли бўлиши билан изоҳланади. Инерция моменти $J_n = 1,5$ кг·м² бўлса, аррали цилиндрнинг бурчак тезлиги $0,592 \cdot 10^2$ с⁻¹ гача камаяди, момент $7,108 \cdot 10^2$ Нм га кўтарилади. Шуни таъкидлаш керакки, бурчак тезлигининг сезиларли

даражада пасайиши пахтани жинлаш самарадорлигининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун тавсия этилган параметр қийматлари: $J_n = (1,0 \div 1,25) \text{ кг} \cdot \text{м}^2$; $M_c \leq (4,5 \div 6,5) \cdot 10^2 \text{ Нм}$, бунда $\dot{\varphi}_{н.ц} \geq (6,7 \div 7,0) \cdot 10^{-1}$ қилиб олинган.



1,2,3 $\dot{\varphi}_{н.ц} = f(M_c)$; 4,5,6 $M_{н.с} = f(M_c)$; 1,4- $J_n = 1,05 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$;
2,5- $J_n = 1,3 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$;
3,6- $J_n = 1,5 \text{ кг} \cdot \text{м}^2$;


1- $M_c = 4,3 \cdot 10^2 \text{ Нм}$; 2- $M_c = 6,74 \cdot 10^2 \text{ Нм}$; 3- $M_c = 8,21 \cdot 10^2 \text{ Нм}$.

4-расм. Жиннинг аррали цилиндри валидаги айланиш моментни ва бурчак тезлигининг пахта хом-ашёсининг таъсири хисобига ўзгариши графиклари

5-расм. Аррали цилиндр бурчак тезлигининг нотекислик коэффициенти ўзгаришининг аррали цилиндр инерция моментни хисобига ўзгаришига боғлиқлик графиклари.

Маълумки, ишчи органнинг инерция моментни қанча катта бўлса, бурчак тезлигининг нотекислик коэффициенти шунча паст бўлади. Кўриб чиқиладиган ҳолат учун $\delta \leq (0,08 \div 0,09)$ ни таъминлаш учун $J_n = (1,0 \div 1,25) \text{ кг} \cdot \text{м}^2$ қилиб танлаш тавсия этилади.

Диссертациянинг “Қайишқоқ элементли подшипникли таянчи бўлган цилиндр валининг буровчи моментни, частотасини ва тебраниш амплитудасини тажрибада аниқлаш”, деб номланган учинчи бобида қайишқоқ втулкали подшипник-ларга ўрнатилган аррали цилиндрнинг тавсия этилган конструкцияси экспериментал тадқиқотлари натижалари тақдим этилган.




6-расм. Аррали цилиндр валидаги буровчи моментнинг машина иш унумининг ўзгаришига боғлиқлигини ифодаловчи графиклар

Қайишқоқ втулкали подшипникли аррали цилиндр валидаги буровчи моментни, айланиш частотаси ва валнинг тебраниш амплитудасини тажрибада аниқлаш учун махсус датчиклар ҳамда тензометрик усулдан фойдаланилди. Аррали цилиндрни махсус тажриба

моментни, айланиш частотаси ва валнинг тебраниш амплитудасини тажрибада аниқлаш учун махсус датчиклар ҳамда тензометрик усулдан фойдаланилди. Аррали цилиндрни махсус тажриба

нухаси тайёрланди ва параметрларини ўлчаш электротензометрик схемага асосан амалга оширилди. Тажрибавий изланишлар асосида осциллограммалар ва боғланиш графиклари олинди.

Осциллограммалар таҳлилига асосан мавжуд машинада иш унуми 3,5 т/соат бўлганда буровчи момент 300 Нм бўлади, иш унуми 4,5 т/соат бўлганда 720÷750 Нм гача ортади. Тавсия қилинган резина втулкали подшипникли аррали цилиндр қўлланилганда буровчи момент сезиларли даражада камаяди. Втулка 6308- ТМКЩиС маркали резинадан тайёрланганда, иш унуми 4,5 т/соат бўлганда буровчи момент (370÷420) Нм оралиғида ўзгаради, 7317 маркали резинадан фойдаланилганда буровчи момент (250÷270) Нм оралиғида бўлади.



1,2 и 3-мос равишда 3,5т/с; 4,0т/с; 4,5т/с;


а) сериядаги вариант, б) 7317 в) 10-220; г) 6308-ТМКЩиС маркали резиналар қўлланилган

7-расм. Жин аррали цилиндр валининг тебранишларини тавсифловчи осциллограммалар, $\omega_4 = 76,4 \text{ с}^{-1}$ бўлганда

Қайишқоқ таянч қўлланилганда буровчи момент ва тебраниш амплитудаси (50÷55) Нм оралиғида камайтирилса, буровчи момент ўртача (35÷40)% камайиши кузатилди. (6-расм). Иш унуми $3,51 \cdot 10^2$ Нм дан $6,23 \cdot 10^2$ гача ортса, 7317 маркали резина қўлланилганда буровчи момент аррали цилиндр валида $3,82 \cdot 10^2$ Нм дан $4,1 \cdot 10^2$ Нм гача ортади, бу натижалар 6308-ТМКҚиС маркали резина қўлланилганда $1,22 \cdot 10^2$ Нм га ортади. Бу эса, аррали цилиндр валидаги буровчи моментни камайтириш учун подшипникнинг резинали втулкаси учун кичик қийматдаги айланма бикрлиги бўлган резина маркасидан фойдаланиш мумкинлигини билдиради, бунда энг мақбул вариант сифатида 10-220 маркали резинани танлаш мақсадга мувофиқдир.

7-расмда жин аррали цилиндри валини $\omega_y = 76,4c^{-1}$ бўлгандаги эгилиш тебранишларини тавсифловчи осциллограммалар кўрсатилган. Экспериментал тадқиқотлардан олинган осциллограммаларни қайта ишлаш асосида, аррали цилиндр валининг эгилиш тебранишлари амплитудаси ўзгаришининг жин иш унумига боғлиқлик графиклари курилди.

Графиклар таҳлили шуни кўрсатдики, жинлаш унумдорлигини 3,5 т/соат дан 4,5 т/соатгача кўтарилиши, мавжуд аррали цилиндр вали эгилиши тебранишлари амплитудаси $0,077 \cdot 10^{-3}$ м дан $0,179 \cdot 10^{-3}$ м гача ўсишига олиб келади. 6308-ТМКҚиС резинадан тайёрланган қайишқоқ таянчдан



8-расм. Аррали цилиндр валининг эгилиш тебранишлари амплитудаси ўзгаришининг жин иш унуми боғлиқлик

фойдаланганда, аррали цилиндрининг эгилиш тебранишлари амплитудаси $0,071 \cdot 10^{-3}$ м га етади ва 7317 маркали резинадан фойдаланилганда амплитуда $0,022 \cdot 10^{-3}$ м га етади. Эгилиш амплитудаси қийматини $A \leq (0,02 \div 0,03) \cdot 10^{-3}$ м дан ошмаслиги учун 10-220 резина маркасини аррали цилиндр қайишқоқ таянч сифатида ишлатиш тавсия этилади.

Бу ерда, 1-аррали цилиндр подшипник таянчининг сериядаги варианты; 2-резина маркаси - 7317 қўлланганда; 3-резина маркаси - 10-220 қўлланганда; 4-6308-ТМКҚиС резина маркасидан тайёрланганда. Аррали цилиндр тезлиги $65 c^{-1}$ дан $76,4 c^{-1}$ гача ортса, эгилиш тебранишлари амплитудаси ҳам ортади ($(0,045 \div 0,052) \cdot 10^{-3}$) м. Шунинг учун тавсия этилган параметрларнинг қийматлари:

$$\omega_4 = (74 \div 77)c^{-1}; A = (0,02 \div 0,03) \cdot 10^{-3} м, C_n \geq (6,2 \div 6,6) \cdot 10^4 Н/м.$$

Аррали цилиндр валининг қайишқоқ втулкали подшипникли таянчи параметрларининг мақбул қийматини аниқлаш учун тўлиқ омилли тажрибалар ўтказилди.

Қабул қилинган кирувчи омиллар: X_1 - машинанинг иш унуми, X_2 - резина бикрлиги, X_3 - пахта намлиги, бунда чиқиш параметрлари

сифатида толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши ва тола чиқиши қабул қилинди.

Олинган регрессия тенгламалари: толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши бўйича:

$$Y_1 = 3.102 + 0.548X_1 - 0.097X_2 + 0.665X_3 + 0.385X_1^2 + 0.429X_1X_2 + 0.4X_2^2 - 0.398X_2X_3 + 0.603X_3^2$$

Тола чиқиши бўйича:

$$Y_2 = 30.121 + 0.423X_1 + 0.480X_2 - 0.495X_3 - 0.620X_1^2 + 0.284X_1X_2 - 0.31X_1X_3 - 0.364X_2^2$$

Тўлиқ омилли тажрибалар натижаларини таҳлил қилиш асосида система кириш параметрларининг қийматлари аниқланди ва тавсия қилинди: иш унумдорлиги - 4210 кг /с, подшипник резина таянч бикрлиги - 93,5 Шор А; пахта намлиги - 8,5%.

Диссертациянинг **“Жинларнинг ишлаб чиқилган қайишқоқ подшипник таянчли аррали цилиндр конструкциясини ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлиги”**, деб номланган тўртинчи бобида, Тўрақўрғон ва Мингбулоқ пахта тозалаш корхоналарида модернизация қилинган аррали жин машинаси цилиндри қийишқоқ элементли подшипник таянчини ресурстежамкор, титрашга барқарор конструкциясини ишлаб чиқаришда қўлаш натижалари таҳлили ва иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Мингбулоқ пахта тозалаш корхонасида ўтказилган синовлар натижасида тавсия қилинган аррали жин цилиндр вали қайишқоқ таянчли подшипник конструкциялари қўлланилганда мавжудга конструкцияга нисбатан жинланган толадаги ифлосликлар ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши 0,3%, толани механик шкастланиши 0,4%, чигит тукдорлиги 0,3% га камайганлиги ва толани чиқиши 0,2% ошди.

Шу билан бирга, подшипниклар ва корпус деталларини ишлаш муддати 4,5 барабар ошди, шовқин сезиларли даражада камайди. Аррали жин цилиндрини такомиллаштириш асосида корхона бўйича йиллик иқтисодий самара 77,1 миллион сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Аррали жинларни ишлаш жараёни таҳлили натижасида аниқландики, жинни асосий ишчи органи бўлган аррали цилиндр ишлаш давомида эгилади, бу эса жинлаш технологиясига салбий таъсир кўрсатади. Аррали цилиндрининг тебраниши ҳисобига таянч подшипниклари тез ишдан чиқади. Қайишқоқ элементли подшипник таянчларининг қўланиши вал тебранишларини сезиларли даражада ютилишини таъминлайди ва арра жин цилиндри ҳамда подшипникларнинг ишлаш муддатини оширади.

2. Аррали цилиндр параметрларининг ва таянч бикрлигини тебранишлар амплитудасига таъсири ўрганилганда. Цилиндр тебраниш амплитуда унинг айланиш частотаси ва қайишқоқ подшипникли таянч бикрлигига боғлиқлиги аниқланди, ҳамда аррали цилиндрининг тебранишини $(0,3 \div 0,38) \cdot 10^{-3} \text{ м}$ оралиғида таъминлаш учун унинг айланиш частотаси $\omega_u = (7,4 \div 7,8) \cdot 10 \text{ с}^{-1}$; бўлганда конус шаклидаги қайишқоқ подшипник таянчининг қуйидаги параметрлари тавсия этилади: $C_{\text{п}} = (5,4 \div 6,0) \cdot 10 \frac{\text{Н}}{\text{м}}$.

$k=0,2\div 0,4$. (C_{Π} – қайишқоқ элемент бикрлиги; k -бикрликнинг ночизиклилик коэффициенті).

3. Подшипникларнинг қайишқоқ таянчлари бикрлигини ва жинланаётган пахтани технологик қаршилигини инобатга олиб, аррали цилиндрнинг вертикал тебраниши математик модели олиниб, унинг асосида аррали цилиндрнинг вертикал тебранишлари силжиши цилиндр тезлигининг ўзгаришига ва аррали цилиндрнинг тебраниш амплитудаси жинланаётган пахтадан келаётган таъсирга боғлиқ энанлиги аниқланди.

4. Подшипникли таянч қайишқоқ элементи бикрлик коэффициентини ошириш нафақат аррали цилиндр тебраниш амплитудаси ва тезлигининг камайишига, балки аррали цилиндр тебраниш частотасини ортишига олиб келиши аниқланди. Бу ўз навбатида подшипникли таянч қайишқоқ элементнинг статик деформация қийматини ҳам камайтиради. Қайишқоқ таянчларнинг айланма бикрлик коэффициентининг ўзгариши ҳисобига аррали цилиндрнинг вертикал силжиши ва тезлигининг тебранишлар амплитудасининг ўзгаришига олиб келади.

5. Аррали цилиндрнинг эгилиши аналитик усулда ўрганилганда мавжуд конструкциядаги аррали цилиндрнинг максимал эгилиши $(0,3\div 0,5) \cdot 10^{-3}$ м бўлиши, тавсия қилинган қайишқоқ элементли таянч конструкциясида эгилиш $(0,03\div 0,053) \cdot 10^{-3}$ м бўлиши яъни эгилиш 10 мартабагача камайишини кўрсатади.

6. Асинхрон электр юритгич механик характеристикаси ва жинланаётган пахта технологик босимини инобатга олиб аррали цилиндр юритиш механизми бўлган машина агрегатининг математик моделлари тузилиб, таҳлил қилинганда аррали цилиндрнинг тебранишлар камровининг ўзгариш қонуниятлари асосида тасодифий тебранишлар $\Delta\dot{\varphi}_{n,u}$, $\Delta\ddot{\varphi}_{n,u}$, ва $\Delta\dot{M}_{n,u}$ ни камайтириш учун, M_c ни $(5,5\div 6,5) \cdot 10^2$ Нм га камайтириш мақсадга мувофиқ экани аниқланди. Аррали цилиндр бурчак тезлигини нотекистик коэффициентини $\delta \leq (0,08\div 0,09)$ ни таъминлаш учун инерция моментини $J_u = (1,0\div 1,25) \text{ кг} \cdot \text{м}^2$ қилиб олиш тавсия этилди.

7. Жиндаги аррали цилиндр валининг буровчи моменти қийматларини тензометрик ўлчаш усулида ўрганилганда унинг жин иш унумига ва подшипникли таянч қайишқоқ элементи айланиш бикрлик коэффициентининг ўзгаришига боғлиқлиги аниқланди. Подшипникли таянч қайишқоқ элементнинг айланиш бикрлик коэффициентининг энг маъқул қийматлари $(0,68\div 0,92) \cdot 10^3$ Нм/рад, (резина тури 10-220) бўлиши ва бунда тебранишлар моменти камрови $(0,6\div 0,075) \cdot 10^2$ Нм дан ошмаслиги асослаб берилди.

8. Жин иш унуми, аррали цилиндр айланиш тезлиги ва таянчнинг қайишқоқ элементининг айлана бикрлиги ўзгариши аррали цилиндр валининг эгувчи тебранишлари ўзгаришига олиб келиши аниқланди. Жин иш унуми ва аррали цилиндр бурчак тезлиги ва қайишқоқ элементли таянчнинг бикрлик коэффициентининг ўзгариши аррали цилиндр валининг эгилишдаги тебранишлари амплитудасининг ўзгаришиникелтириб чиқариши асослаб берилди. Тавсия этилган параметр қийматлари қуйидагилар ҳисобланади:

$$\omega_4 = (74\div 77) \text{ с}^{-1}; A = (0,02\div 0,03) \cdot 10^{-3} \text{ м}, C_{\Pi} \geq (6,2\div 6,6) \cdot 10^4 \text{ Н/м}.$$

9. Кўп омилли тажриба тадқиқотлари асосида қуйидаги параметрлар тавсия қилинди: иш унуми-4210 кг/с; подшипник втулкасининг қайишқоқ таянч бикрлиги-93,5 Шор А (резина маркаси 10-220); пахта намлиги-8,5%.

10. Мингбулоқ пахта тозалаш корхонасида ўтказилган синовлар натижасида тавсия қилинган аррали жин цилиндр вали қайишқоқ таянчли подшипник конструкциялари қўлланилганда мавжудга конструкцияга нисбатан жинланган толадаги ифлосликлар ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши 0,3%, толани механик шкастланиши 0,4%, чигит тукдорлиги 0,3% га камайганлиги ва толани чиқиши 0,2% ошди. Шу билан бирга, подшипниклар ва корпус деталларини ишлаш муддати 4,5 баравар ошди, шовқин сезиларли даражада камайди. Аррали жин цилиндрини такомиллаштириш асосида корхона бўйича йиллик иқтисодий самара 77,1 миллион сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ
НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ХУДАЙКУЛОВ ШАВКАТБЕК СОЙИБЖАНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА КОНСТРУКЦИИ И ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ
ПИЛЬНОГО ЦИЛИНДРА ДЖИНА С УПРУГОЙ ПОДШИПНИКОВОЙ
ОПОРОЙ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и робототехнические
системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.PhD/T461.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте и Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Джураев Анвар Джураевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ахмедходжаев Хамит Турсунович
доктор технических наук, профессор

Салимов Алишер Машраббевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 29 июня 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 228-76-68, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №375).

Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 228-76-68.

Автореферат диссертации разослан 16 июня 2020 года. (реестр протокола рассылки № 14 от 16 июня 2020 года).

Р.Мурадов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

О.Ш. Саримсаков

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

К.М. Холиков

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Хлопковое волокно является основным сырьем текстильной промышленности и на мировом рынке возрастают потребности на изготавливаемого из него продукцию. По данным Международного консультативного комитета (ICAC) «цены на хлопок оставались высокими в сезоне 2017/18 году в среднем на 84,63 цента за фунт до конца сезона, мировая площадь под хлопком составляла в среднем 32,4 миллиона гектаров, а выработанное волокно составило 25,68 млн. тонн, при этом ожидается рост мирового потребления хлопка до 26,7 млн. тонн»¹. При этом такие государства, как Бангладеш, Китай, Турция, Индонезия являются ведущими по импорту хлопкового волокна. В данном направлении особое внимание уделяется повышенному требованию к хлопковому волокну и его качеству, разработке новой ресурсосберегающей техники и технологии, обеспечивающей снижение себестоимости и повышение качества хлопковой продукции. Наряду с этим за рубежом расширение производства текстильной продукции из хлопкового волокна остается одной из важнейших задач.

В мире проводится много научно-исследовательских работ по усовершенствованию техники и технологии первичной обработки хлопка, в т.ч., повышению эффективности работы пильного джина, который является основной технологической машиной хлопкоочистительных предприятий. Причем, особое значение имеет повышение производительности машины, за счет использования ресурсосберегающих рабочих узлов, обеспечения их прочности и эксплуатационной надежности, разработка математических моделей процессов переработка хлопка, с помощью которых можно оптимизировать параметры при сохранении естественного качества вибратаваемого хлопкового волокна. Вместе с этим, необходимо разработка новых ресурсосберегающих конструкций элементов пильного джина, обеспечивающих параметров, сохранение качество волокна, снижающих степень вибрации и шума, а также потребляемой энергии.

В нашей республике осуществляются комплексные меры по развитию хлопковой отрасли, модернизации и техническому перевооружению хлопкоочистительных предприятий, повышения рентабельности производства при переработке хлопка-сырца, а также обеспечению конкурентоспособности выпускаемой продукции. В Стратегии действий развития Республика Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики, уменьшению расходов энергии и ресурсов, широкому внедрению энергосберегающих технологий...»². В связи с поставленными задачами, одной из важных является, разработка новой конструкции пильного

¹ Cotton: Review of the World Situation' Articles Address Governance and Cotton Price Trends.– NY. 26 september. 2018. <http://www.ICAC.org>.

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 июля 2018 г. №ПП–3855 «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации научной и научно–технической деятельности». <http://www.lex.uz/search/nathactnum 3855>.

цилиндра джина с упругой подшипниковой опорой, позволяющей ресурсосбережение, сохранение прочностных характеристик волокна, снижение вибраций и шума, увеличение производительности машины и выхода волокна с максимальным сохранением его природных свойств.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и в постановлении ПП-4707 от 4 марта 2015 года, постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 253 от 31 марта 2018 года «О дополнительных мерах по организации деятельности хлопково-текстильных производств и кластеров», «О программе мер по структурному преобразованию, модернизации и диверсификации производства продукции в промышленности на 2015-2019 годы» и в постановлении ПП №4408 от 28 ноября 2017 года «О мерах совершенствования системы управления хлопководческой структуры», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики по направлению: II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Решения задач по совершенствованию рабочих органов пильного джина, повышению ресурсосбережения, производительности машины, прочности рабочих органов, привода и получения качественной продукции рассмотрены в работах зарубежных ученых E. Whitney, S.Z.Hall, T. Elliot, S.E.Hughs, R.N.Rakoff, A.V.Stanley, R.G.Hardin, P.A.Funk и др.

В нашей республике ученые, такие как Р.Г.Махкамов, И.Т.Макудов, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Б.М.Марданов, Н.З.Камолов, А.П.Парпиев, Х.Т.Ахмедходжаев, А.Джураев, Р.Муродов, Р.Сулаймонов, О.Саримсаков, К.Собиров, И.Собиров, М.Абдувохидов, Ш.П.Алимухамедов, Д.Мухаммадиев, С.З.Юнусов, а также другими учеными проводились комплексные научные исследования по повышению производительности пильного джина, снабжению его ресурсосберегающими узлами, рабочими органами и снижению энергозатрат в процессе джинирования хлопка.

